

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/30.12.2019.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

АЛМАТОВ ИЛХОМЖОН МИРЗАБЕК ЎҒЛИ

**ЁНУВЧИ СЛАНЕЦ МАЪДАНИ КУЛИДАН ҚИММАТБАХО
КОМПОНЕНТЛАРНИ КОМПЛЕКС АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Алматов Илхомжон Мирзабек ўғли

Ёнувчи сланец маъдан кулидан қимматбаҳо компонентларини
комплекс ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Алматов Илхомжон Мирзабек угли

Разработка технологии комплексного извлечения ценных
компонентов из золы руд горючих сланцев..... 21

Almatov Ilkhomjon Mirzabek o'g'li

Technology of integrated extraction of valuable components from ash of
ore of combustible shales of the deposit..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/30.12.2019.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

АЛМАТОВ ИЛХОМЖОН МИРЗАБЕК ЎҒЛИ

**ЁНУВЧИ СЛАНЕЦ МАЪДАНИ КУЛИДАН ҚИММАТБАХО
КОМПОНЕНТЛАРНИ КОМПЛЕКС АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1931 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси «Минерал ресурслар институти» давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сағдиева Муяссар Ғайбуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Мухиддинов Баходир Фахридинович
кимё фанлари доктори, профессор

Қурбонов Шамшиддин Камолдинович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Ислом Каримов номидаги Тошкент
давлат техника университети

Диссертация химояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/30.12.2019.T.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 16 апрел соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127. Навоий давлат кончилик институти мажлислар зали. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com.

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (70 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127. НДКИ ректорати биноси, 1-қават Тел.: 0(436)223-56-90; факс: 0(436) 223-00-55.

Диссертация автореферати 2021 йил 3 апрел куни тарқатилган.

(2021 йил 3 апрел №31 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]

Қ.С. Санақулов

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

[Signature]

Ш.Ш. Заиров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш

илмий котиби, т.ф.д., профессор

[Signature]

И.Т. Мислибаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги

илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда углеводород хомашёси энергия таъминоти манбалари жиҳатидан энг йирик тармоқ бўлиб, углеводород хомашёси энергия ташувчилар сифатида энг муҳим ўринни нефт эгаллаб турибди. Шу сабабли, дунёнинг етакчи давлатлари ўртасида нефт конларини ўзлаштириш ва бошқариш учун кураш янада кучаймоқда. Жаҳон амалиётида ёнувчи сланец кўп ҳолларда энергетик хом ашё сифатида қаралади. Сланецни қайта ишлашда дунёдаги кўплаб заводларда хом ашё шунчаки ёқиб юборилади ва бу жараёндан олинган газлар электр энергиясини ишлаб чиқариш учун маҳаллий даражада ишлатилади.

Дунёда мавжуд хомашёлардан комплекс фойдаланган ҳолда асосий компонент билан бир қаторда қўшимча қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни ошириш учун самарали технологияларни ишлаб чиқиш, мавжуд технологик схемаларни такомиллаштириш ва ёнувчи сланецдан фойдаланган ҳолда электроэнергия ва кимёвий хомашёни олишдаги қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, ёнувчи сланец кулини анъанавий бойитиш усулларига мувофиқлигини аниқлаш, ёнувчи сланец маъдани кулини қайта ишлашда гидрометаллургик тадқиқотлар ўтказиш, коннинг ёнувчи сланец маъданида биотехнологик тадқиқотлар ўтказиш, ёнувчи сланец маъдани кулидан қимматбаҳо компонентларни комплекс ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда ёнувчи сланец мойи ва нефт маҳсулотлари билан бир қаторда унинг таркибидаги металлургия хомашёси, кимёвий моддалар, қурилиш соҳаси ва қишлоқ хўжалиги учун ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида¹ «саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнувчи сланец маъдани кулидан қимматбаҳо компонентларни комплекс ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682- сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлар тўплами. – Т., 2017. – 103 б.

амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чикиндисиз технологияни яратишда муҳим муаммо бу унинг ташкилий тамойиллари бўлиб, унда қайта ишлаш усулларини танлаш ва бўлинмаларнинг тузилиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда хорижий ва МДХ мамлакатларидаги бир қатор тоғ-кон ва қайта ишлаш корхоналарининг ижобий тажрибалари мавжуд.

Илмий пойдеворни ривожлантириш ва ёнувчи сланец, шунингдек ҳосил бўлган техноген чиқиндиларни (кекларни) қайта ишлаш технологиясини яратишда куйидаги хорижий ва маҳаллий олимлар катта ҳисса қўшдилар: Олимлар Хачатурян В.Г., Стрижакова Ю.А., Писаренко М.В., Назаренко М.Ю., Кондрашева Н.К., Салтыкова С.Н., Meybaum H., Brendow K., Neil L., Chen S.B., Zhu Y.M., Qin Y., Wang H.Y., Hadi N.A., Лузановский А.Г., Юсупходжаев А.М., Исоқов М.У., Санакулов Қ.С., Раимжанов Б.Р., Гуро В.П., Туресебеков А.Х., Сагдиева М.Г., Борминский С.И., Қурбонов Ш.К., Хожиев А. ва бошқалар ёнувчи сланец ва унинг қолдиқларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишда, ёнувчи сланецнинг нефт қисмини, кул қисмидан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш мақсадида қайта ишлаш тадқиқот усулларини ишлаб чиқишда муҳим ютуқларга эришганлар.

Мавжуд ишларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, жаҳон тадқиқотчилари ва олимлари ёнувчи сланецнинг таркибидаги қимматбаҳо компонентларнинг миқдори камлиги сабабли фақатгина нефт қисмини ажратиб олишга эътибор беришган. Ёнувчи сланецдан олинадиган кулларни цемент ишлаб чиқариш, чинни буюмлари, уранни ажратиб олиш ва бошқа қўшимчалар сифатида қўлланилишини кўриб чиқишган ва ишлатишган.

Эришилган ютуқларга қарамай бугунги кунда ёнувчи сланецлардан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш ва қайта ишлаш йўналишларида илмий ҳамда амалий муаммолар мавжудлиги ушбу диссертация иши долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Минерал ресурслар институти» давлат муассасаси илмий-тадқиқот режасининг 1155-15-сон «Актау конидан ёнувчи сланецнинг геологик намуналарини қисқартирилган лаборатория тадқиқотларини ўтказиш» (2015-2017 йй.), 1400-20-сон «Сангрунтау кони

ёнувчи сланецини қайта ишлаш бўйича тадқиқотлар» (2020 й.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец маъдани кулидан қимматбаҳо компонентларни комплекс равишда ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли кимёвий таҳлиллар (силикатли, тўлиқ кимёвий, масс-спектрометрик (ICP-MS)) ва бошқалар ёрдамида Актау, Сангрунтау ва Бойсун конларининг ёнувчи сланец кулларининг кимёвий, моддий, минералогик таркибларини аниқлаш;

ёнувчи сланец кулини анъанавий бойитиш усуллари (гравитация, флотация) мувофиқлигини аниқлаш;

ёнувчи сланец маъдани кулини қайта ишлашда гидрометаллургик тадқиқотлар ўтказиш;

Бойсун конининг ёнувчи сланец маъданида биотехнологик тадқиқотлар ўтказиш;

ёнувчи сланец маъдани кулидан қимматбаҳо компонентларни комплекс ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Актау, Сангрунтау ва Бойсун конларининг ёнувчи сланец маъданлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёнувчи сланец маъдани кулининг кимёвий ва моддий таркибини аниқлаш, рангли ва ноёб металлларни, шунингдек камёб ер элементларининг комплекс ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тадқиқотнинг лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида назарий, хронометражли ва тажрибавий тадқиқотлари, тизимли таҳлил ва синтез усуллари, математик моделлаштириш, тадқиқот натижаларини математик статистика ва корреляцион таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги технологик схема ёнувчи сланец маъдани кулини олишда иссиқлик билан ишлов бериш (пиролиз) жараёнига хлорид натрийнинг қўшилиши оптимал режими ишлаб чиқилган;

илк бор ёнувчи сланецини иссиқлик билан ишлов бериш (пиролиз) жараёнига хлорид натрийнинг қўшилиши билан ёнувчи сланец кулидан сульфат кислотаси ёрдамида рангли, нодир металлларни ва камёб ер элементларини (КЕЭ) ажратиб олиниши кўпайиши аниқланган;

сульфат кислотасидан фойдаланган ҳолда гидрометаллургик жараёнларнинг оптимал параметрлари (эритмага ўтказиш, сорбция) аниқланган;

ёнувчи сланец маъдани кулини комплекс қайта ишлаш янги технологияси ишлаб чиқилган ҳамда қимматбаҳо металлларни ва КЕЭ нинг ажратиб олиниши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конларининг ёнувчи сланец кулини қайта ишлаш параметрларини аниқлаш услуги ишлаб чиқилган;

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец маъданини комплекс қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажриба натижаларининг қониқарли мослашиши ва қимматбаҳо компонентларни ёнувчи сланец кулидан ажратиб олиш бўйича илмий-тадқиқот ишларининг асосий ғоясини тасдиқлаган ҳолда кенгайтирилган тажрибалар ва тажриба-саноат синовлари асосида замонавий тадқиқот усуллари, шунингдек лаборатория ва тажриба синовларининг ижобий далолатномалари олинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёнувчи сланец маъданининг пиролиз жараёнига хлорид натрий қўшилиши билан асосланади. Бу эса ўрганилаётган конларнинг ёнувчи сланецларидан сульфат кислотаси билан эритиш жараёнида рангли, ноёб металллар ва КЕЭ ни ажратиб олинишини кўпайишига ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец маъданини комплекс равишда қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сульфат кислотаси билан эритишда рангли, ноёб металллар ва КЕЭ ажратиб олиш даражасини юқорилиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёнувчи сланец маъданлари кулини комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган ёнувчи сланец маъданлари кулидан қимматбаҳо таркибий қисмларни умумий ажратиб олиш технологияси «Epsilon development company» МЧЖ ХКнинг амалиётига жорий этилган («Epsilon development company» МЧЖ ХКнинг 2020 йил 29 октябрдаги 12/1НА-2108-сон маълумотномаси). Натижада, яратилган технология Сангрунтау кони ёнувчи сланецини қайта ишлашда ДТИА лойиҳасининг иқтисодий кўрсаткичларини ошириш имконини берган;

мураккаб таркибли ёнувчи сланец маъданига натрий хлор қўшиб иссиқлик билан ишлов бериш (пиролиз) жараёнидан кейин қолдиқ кулига кейинчалик сульфат кислотали қайта ишлаш технологияси «Epsilon development company» МЧЖ ХКда амалиётга жорий этилган («Epsilon development company» МЧЖ ХКнинг 2020 йил 29 октябрдаги 12/1НА-2108-сон маълумотномаси). Натижада, Сангрунтау кони ёнувчи сланец маъданидан нефт қисмини, қимматли таркибий қисмларини ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 1 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан Республика нашрларида 1 та ва хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Жаҳондаги сланец саноати ривожланишини таҳлил қилиш ва сланецни комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган биринчи боби, ёнувчи сланецнинг жаҳон хомашё базаси ҳолати, уларни қайта ишлаш технологиялари, шунингдек ушбу хомашё маҳсулотларидан фойдаланиш тенденциялари тўғрисида маълумотларни тақдим этади.

Ёнувчи сланецни жаҳон миқёсида қайта ишлаш учун ишлатилган ва тавсия этилган технологиялар, хусусан, Галотер, Энфинит-280, Кивитер, Фушун, Петросикс, Параҳо, Юнион, Тоссо-2, Шеврон СТБ, Сюзериор оил, Лурги-Лургас ва Алберта-Тасиук жараёнлари тасвирланган.


Кейинги чиқиндиларни ишлатиш билан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш мақсадида ёнувчи сланец кулини қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари тақдим этилган, яъни чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ривожлантириш назарда тутилган.

Шундай қилиб, мураккаб таркибли ёнувчи сланец кулини қайта ишлашнинг ҳозирги аҳволи шуни кўрсатадики, мураккаб таркибли ёнувчи сланец кулидан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш фан ва техниканинг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади.

«Тадқиқот объектларини асослаш, ёнувчи сланец маъдани кулидан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тажрибалар ўтказиш услуби» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объекти ўрганилган, бунда Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец маъдани 1-расмда тавсиф этилган.

Ўрганилаётган конларнинг маъданлари ва кулларининг минералогик, кимёвий ва моддий таркибини аниқлаш учун, қуйидагилар қўлланилди:

минералогик, тўлиқ кимёвий, силикатли ва масс-спектрометриқ ICP-MS таҳлиллари шулар жумласидандир.



1-расм. Ўзбекистоннинг металга бой ёнувчи сланец конлари ва намоёндалари

Ёнувчи сланец кулини олиш учун иссиқлик билан ишлов бериш (пиролиз), оксидлаш, намлик ва кул таркибини аниқлашнинг кимёвий усуллари ишлатилган. 100 г оғирликдаги намунада термик парчаланиш дастлабки лаборатория аппарати «Реторт Фишер» да амалга оширилди. Ёнувчи сланец кулини бойитиш учун гравитация ва флотация жараёнидан фойдаланилди. Гравитация 30КС маркасидаги лаборатория концентрацион столида куйидаги режимда олиб борилди: тебраниш частотаси - дақиқасига 110 марта; тебраниш амплитудаси - 11 мм; пастки қисмнинг кўндаланг қиялиги - 20 мм/м; ювувчи сув сарфи - 4,45 л/мм.

Гидрометаллургияк тадқиқотлар сульфат кислотаси ёрдамида олиб борилди. Биотехнологияк тадқиқотлар уюмли эритма билан амалга оширилди. Тадқиқот объекти -10+0 мм ўлчамдаги майдаланган технологияк намунадир.

Сульфат кислотаси самарали эритмаларидан уран, ванадий, молибден, рух ва КЕЭ ажратиб олиш учун «Purolite» компанияси ионалмашинувчи катронлардан фойдаланилди.

«Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец маъдани кулидан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш технологик параметрларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш усулларини аниқлаш» номли учинчи бобда Актау, Сангрунтау ва Бойсун конларининг ёнувчи сланец маъданлари ўрганилиб, ўрганишлар натижасида ёнувчи сланец маъданлари кулини комплекс қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилди.

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини кимёвий, моддий ва минералогик таркибини аниқлаш турли кимёвий усулларда бажарилди.

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конларининг ёнувчи сланец маъданларида ва кулида, тўлиқ кимёвий ва масс-спектрометрик таҳлиллар қилинди. Натижалар 1 ва 2 жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Ёнувчи сланец кулининг тўлиқ кимёвий таҳлил натижалари

Компонентлар	Актау	Сангрунтау	Бойсун
	Микдори, %		
SiO ₂	62,98	49,9	41,2
Fe ₂ O ₃ общ.	5,64	4,64	4,49
TiO ₂	0,62	0,54	0,46
MnO	0,08	0,04	0,02
Al ₂ O ₃	14,9	11,25	10,19
CaO	7,76	2,76	4,63
MgO	3,02	1,88	2,82
Na ₂ O	0,97	0,71	0,52
K ₂ O	1,42	1,6	1,62
P ₂ O ₅	1,00	0,65	0,53
S _{сульф.}	0,83	0,9	1,2
S _{жам}	1,62	1,83	2,38
КЖИ	23,47	23,72	30,37
Сумма	101,86	100,62	100,43
CO ₂	0,35	1,76	1,92
H ₂ O гигроск.	0,44	6,0	3,4

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики (1-жадвал), Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец куллари таркибининг асосий таркиби, %: S_{сульфид} 0,83; 0,9 ва 1,2; SiO₂ 62,98; 49,9 ва 41,2; Al₂O₃ 14,9; 11,25 ва 10,19 ва бошқалар.

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб (2-жадвал) Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец қимматбаҳо компонентларнинг таркиби солиштирилганда ёнувчи сланец кулининг таркибидаги компонентларнинг сезиларли даражада ошиши кузатилади. Бунда, г/т: ванадий 880-915; 860-895 ва 1600-1750; молибден 360-397; 270-330 ва 1100-1240; КЕЭ 131,9-203,2; 167,3-213,11 ва 150,04-176,0, шунингдек рух 130-149; 160-168,4 ва 190-205.

Ўрганилаётган конларнинг ёнувчи сланец маъдани ва кулининг элементлар таркиби (г/т)

№	Элементлар	Актау		Сангрунтау		Бойсун	
		Маъдан	Кул	Маъдан	Кул	Маъдан	Кул
1	Li	23,0	26,4	29,0	31,9	29	30,1
2	Be	1,4	1,89	2,2	2,6	1,7	1,9
3	Na	7 800	12 800	5 500	9 650	1900	3450
4	Mg	17 000	14 800	16 000	15 200	9200	8600
5	Al	63 000	66 600	69 000	71 500	39000	37800
6	K	13 000	15 400	16 000	18 600	10000	12400
7	Ca	66000	47 600	31 000	26 530	66000	54900
8	Sc	12,0	11,6	15,0	13,5	8,4	7,5
9	V	880,0	915,0	860,0	895,0	1600	1750
10	Cr	95,0	178,0	150,0	174,0	120	138
11	Mn	610,0	528,0	230,0	200,0	600	545
12	Fe	33000	35 200	42 000	44 800	37000	39400
13	Co	13,0	13,2	15,0	15,4	26	26,7
14	Ni	220,0	131,0	190,0	155,0	500	426
15	Cu	77,0	79,8	100,0	104,2	180	189
16	Zn	130	149	160,0	168,4	190	205
17	As	7,3	0,2	16,0	0,3	9,9	0,4
18	Se	8,7	9,3	15,0	16,8	10	12,1
19	Sr	320,0	361,0	300,0	330,5	860	890
20	Y	26,0	31,1	37,0	41,2	38	44,2
21	Nb	7,3	7,18	9,3	8,6	4,9	4,2
22	Mo	360,0	397,0	270,0	330,0	1100	1240
23	Cd	21,0	5,94	32,0	14,6	25	16,8
24	Sn	2,5	0,88	2,6	1,3	2,7	1,6
25	Sb	7,2	0,8	5,5	2,3	22	11
26	Te	0,36	0,18	1,6	1,1	0,66	0,42
27	Ba	860,0	831,0	420,0	326,0	780	640
28	La	21,0	34,9	28,0	35,1	28	32,1
29	Ce	32,0	56,9	36,0	44,6	34	36
30	Pr	3,7	9,4	4,6	8,8	2,9	6,7
31	Nd	16,0	33,6	20,0	38,5	16	22
32	Sm	4,7	4,6	6,0	6,2	4,9	5,1
33	Eu	1,6	1,27	1,7	0,9	1,5	1,1
34	Gd	3,4	6,29	4,1	7,25	3,7	6,58
35	Tb	0,68	0,784	0,79	0,84	0,71	0,82
36	Dy	3,6	5,07	4,9	6,3	3,8	5,2
37	Ho	0,89	1,4	1,2	1,8	1,1	1,5
38	Er	2,6	2,49	3,0	3,1	2,8	3,0
39	Tm	0,4	0,341	0,65	0,52	0,55	0,41
40	Yb	3,1	3,16	3,9	4,0	3,3	3,4
41	Lu	0,27	0,291	0,46	0,50	0,38	0,39
42	ΣКЕЭ	131,9	203,2	167,3	213,11	150,04	176,0
43	W	1,5	3,05	0,67	1,85	1,5	2,3
44	Tl	12,0	33,1	2,3	6,4	1,1	2,4

45	Pb	14,0	11,0	16,0	14,3	22	18
46	Th	8,6	4,5	9,7	5,4	6,3	4,5
47	U	54,0	52,0	33,0	30,0	100	88

Ўрганилаётган ёнувчи сланец маъданлари таркибидаги намлик ва кул миқдори ҳар хил ўлчамдаги синфларда аниқланди. Ўрганилаётган конларнинг намуналари намлиги, %: 5,12 дан 5,71 гача, кул миқдори, %: 70,68 дан 78,85 гача.

Ёнувчи сланец кулини анъанавий бойитиш усуллари (гравитация, флотация) мувофиқлигини аниқлаш 3 ва 4-жадвалларда келтирилган.

3-жадвал

Ёнувчи сланец кулини гравитация усули билан бойитиш натижалари

Бойитиш маҳсулотлари	Маҳсулотлар чиқиши, %	Миқдори, %				Ажралиши, %			
		Mo	U	Zn	V	Mo	U	Zn	V
Актау									
Бойитма	4,8	0,061	0,74	0,058	0,049	3,46	1,91	3,66	5,22
Оралик маҳсулот	42,9	0,060	1,71	0,057	0,057	30,21	39,33	31,99	57,47
Чиқинди	52,3	0,108	2,10	0,094	0,03	66,33	58,76	64,35	37,01
Дастлабки маъдан	100	0,085	1,87	0,08	0,04	100	100	100	100
Сангрунтау									
Бойитма	2,5	0,05	1,04	0,101	0,067	1,25	1,30	4,24	5,13
Оралик маҳсулот	30,2	0,09	1,75	0,056	0,041	24,08	26,07	28,22	37,79
Чиқинди	67,3	0,12	2,18	0,06	0,028	74,67	72,63	67,53	57,08
Дастлабки маъдан	100	0,11	2,02	0,06	0,03	100	100	100	100
Бойсун									
Бойитма	5,5	0,059	0,89	0,06	0,056	3,20	2,82	4,42	5,51
Оралик маҳсулот	40,1	0,062	1,56	0,059	0,052	24,47	35,92	31,60	37,20
Чиқинди	54,4	0,135	1,96	0,088	0,059	72,33	61,26	63,98	57,29
Дастлабки маъдан	100	0,102	1,74	0,07	0,06	100	100	100	100

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини гравитация бойитиш усулидан фойдаланилди ва концентрат олинди. Натижалар 3-жадвалда келтирилган, концентратдаги қимматбаҳо металлларнинг ажралиши қуйидагича, %: молибден 3,46; 1,25 ва 3,20; уран 1,91; 1,30 ва 2,82; ванадий 5,52; 5,13 ва 5,51 ва рух 3,66; 4,24 ва 4,42, маҳсулот бўйича, %: 4,8; 2,5 ва 5,5.

4-жадвал

Ёнувчи сланец кулини флотацион бойитиш натижалари

Бойитиш маҳсулотлари	Маҳсулотлар чиқиши, %	Миқдори, %				Ажралиши, %			
		Mo	U	Zn	V	Mo	U	Zn	V
Актау									
Бойитма	3,74	975	5,13	330	1 340	6,41	3,31	4,51	4,77
Чиқинди	96,26	553	4,22	375	1 040	93,59	96,69	95,49	95,23
Дастлабки маъдан	100	568,78	4,25	373,32	1 051	100	100	100	100
Сангрунтау									
Бойитма	4,38	873	5,7	451	1 180	8,74	5,9	4,75	5,49

Чиқинди	95,62	418	4,17	415	932	91,26	94,1	95,25	94,51
Дастлабки маъдан	100	437,95	4,24	416,58	942,87	100	100	100	100
Бойсун									
Бойитма	5,45	903	7,2	389	1 100	9,39	5,67	5,18	6,03
Чиқинди	94,55	502	6,9	410	988	90,61	94,33	94,82	93,97
Дастлабки маъдан	100	523,85	6,92	408,86	994,1	100	100	100	100

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини флотацион бойитиш усулида олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган. Бунда фойдали компонентлар куйидагиларни кўрсатади, %: молибден 6,41; 8,74 ва 9,39; уран 3,31; 5,90 ва 5,67; ванадий 4,77; 5,49 ва 6,03, шунингдек рух 4,51; 4,75 ва 5,18, маҳсулот бўйича, %: 3,74; 4,38 ва 5,45.

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини гравитация ва флотация бойитиш усуллари ўрганиш натижаларига кўра, бойитиш мақсадга мувофиқ эмас, тақдирлаб ўтиш керакки фойдали компонентларни максимал ажралиш кўрсаткичлари 10% дан юқори эмас.

Гидрометаллургик сульфат кислотасидан фойдаланган холда оптимал параметрлар аниқланди. Бунда: иссиқлик билан ишлов бериш жараёнига 10% ли хлорид натрий кўшиш, -10+0 мм ўлчамдаги кул, С:Қ=1:3, хона ҳароратида, 130 г/л сульфат кислотаси. Шу билан бирга параллел равишда ёнувчи сланецга хлорид натрий кўшилмасдан назорат тариқасида тадқиқотлар амалга оширилди. Тадқиқот натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал


Ёнувчи сланец кулини агитацион эритиш натижалари

Хлорид натрийнинг концентрацияси, %	Суюқликдаги металлларнинг концентрацияси, мг/л					Ажралиши, %				
	U	Mo	V	Zn	КЕЭ	U	Mo	V	Zn	КЕЭ
Актау										
	2,9	10,5	12,4	3,1	2,2	55,2	41,7	19,1	45,2	18,6
10	4,1	17,6	54,2	5,4	3,6	68,4	87,5	70,2	61,8	46,8
Сангрунтау										
	2,2	11,3	10,9	2,7	1,7	51,4	39,6	18,7	43,5	16,5
10	3,9	18,7	51,3	4,2	3,9	66,4	78,2	69,0	63,4	45,9
Бойсун										
	2,4	12,4	12,4	2,9	1,9	52,4	40,1	19,2	44,1	15,4
10	4,1	19,8	49,8	3,9	4,1	69,2	75,8	68,5	64,9	44,5

Агитацион эритиш натижаларидан кўриниб турибдики, Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини сульфат кислотаси ёрдамида қимматбаҳо компонентларни эритмага ажралиши маъданга 10% ли натрий хлорид кўшилишини инобатга олади ва куйидаги таркибни кўрсатади, %: молибден 87,5; 78,2 ва 75,8; уран 68,4; 66,4 ва 69,2; ванадий 70,2; 69,0 ва 68,5; рух 61,8; 63,4 ва 64,9, шунингдек КЕЭ 46,8; 45,9 ва 44,5.

Иссиқлик билан ишлов бериш жараёнида натрий хлорид қўшилмаса, юқорида айтиб ўтилган қимматбаҳо компонентларни ажралиши бир неча баробарга кам бўлади.

Бойсун кони ёнувчи сланецини қайта ишлашда биотехнологик эритмага яроқлилиги аниқланди.



2-расм. Бойсун кони 4 намунаси ёнувчи сланец маъданидан 9К муҳитида ажратиб олинган оксидланган АА5Б лари келтирилган. 1x100 катталаштирилган ранги кўк. Хужайра хажми 0,4-0,6x1,4-1,6 мкм

Уюмли биоэритиш 1000 гр. массали маъданда биореакторда олиб борилди. Оксидланган маъдан 5 намунасидан темир-олтингугурт-оксидловчи бактерияларнинг атсидофил ассотсиатсияси ажратиб олинди. Кейинчалик у 4 намунадаги оксидланмаган ёнувчи сланецли маъданга мослаштирилди. Иккинчи босқичда темир-олтингугурт оксидловчи бактерияларнинг ажратилган атсидофил ассотсиатсияси ёрдамида биологик тозалашлар олиб борилди бунда рН 2,0-2,5 ни ташкил этди. Иккала намунадаги маъданларни кислоталаштириш бир ой давомида амалга оширилди ва чиқиндидаги

эритмаларнинг рН қиймати 2,0-2,5 гача пасайганда бактериялар (2-расм) биомассаси кўшилди ва оксидланиш режимига биноан биологик оксидлаш давом эттирилди. Сўнгра маъдан ҳафтасига 2 марта суғорилди, оксидланиш фаоллиги аниқланди. Самарали эритмалардаги темирнинг концентрацияси аниқланди.

5 ойдан сўнг самарали эритмаларда масс-спектрометрик ICP-MS таҳлиллари ўтказилди. Уларнинг натижалари 6-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, рангли ва ноёб металлларни ўз ичига олган самарали эритмаларни олиш учун бактериал-кимёвий эритма олинди. Улар «Purolite» компаниясининг ионалмашинувчи қатронлари ёрдамида эритмалардан ажратиб олинди.

6-жадвал

Бойсун кони ёнувчи сланец маъданининг иккита технологик намунасида қимматбаҳо элементларни ажратиб олиш натижалари

№	Элементлар номи	Металларни дастлабки маъдандаги таркиби, г/т		Суюқликдаги концентрация, мг/л		Суюқликка умумий ажралиши, %	
		Намуна 4	Намуна 5	Намуна 4	Намуна 5	Намуна 4	Намуна 5
1	Молибден	1150	1065	5,9	5,5	72,1	65,4
2	Уран	105	101	2,8	2,9	68,7	65,2
3	Ванадий	1750	1680	54,1	48,7	48,5	47,8
4	Рух	180	178	3,5	3,1	58,9	61,2

Ёнувчи сланецни биоэритишнинг самарали эритмаларидан металлларни ажратиб олиш учун «Purolite» компаниясининг қуйидаги ионалмашинувчи қатронлари ишлатилган, %: молибден учун А-100-Мо ажралиши 78,1-59,4; уран учун А-560 ажралиши 70,7-55,2; ванадий учун - А-109 ажралиши 68,5-48,8; рух учун - С-930 ажралиши 68,1-50,2. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, сульфидли намунадан 4 оксидланган намунага қараганда қимматбаҳо металлларнинг ажралиши юқори.


«Ёнувчи сланец маъданлари кулидан қимматбаҳо компонентларни комплекс ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш» номли тўртинчи бобда технологик схема ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида мураккаб таркибли ёнувчи сланец кулини қайта ишлашнинг асосий (умумий) технологик схемаси ишлаб чиқилди.

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец маъдани кулини қайта ишлаш бўйича тавсия этилган оптимал технологик схема қуйидагиларни ўз ичига олади: иссиқлик билан ишлов бериш жараёнига 10% ли натрий хлорид қўшилиши (пиролиз), кулнинг йириклиги (-10+0 мм),

давомийлиги 60 мин, $C:K=1:3$, хона ҳарорати, сульфат кислотаси 130 г/л ни ташкил қилади.

Сорбция жараёнида «Purolite» компаниясининг ионалмашинувчи катронларидан фойдаланилади. Технологик схема 3-расмда келтирилган.



3-расм. Ёнувчи сланец кулини қайта ишлашга тавсия этилган технологик схема

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини мақбул параметрлар бўйича эритиш натижалари 7-жадвалда келтирилган.

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини сульфат кислотаси билан эритиб қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш натижаларидан кўриниб турибдики эритмага куйидаги компонентлар ўтмоқда, %: молибден 95,4; 88,1 ва 90,2; уран 60,3; 64,9 ва 62,7; ванадий 84,3; 85,6 ва 81,8; рух 69,6; 71,1 ва 70,2, шунингдек КЕЭ 66,2; 49,2 ва 54,7.

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини эритиб бўлгандан кейин олинган эритма таркибидаги қимматбаҳо компонентларни

танлаб ажратишда (молибден, уран, ванадий, рух ва КЕЭ) қуйидаги «Purolite» компаниясининг ионалмашинувчи қатронлари ёрдамида амалга оширилди. Бунда: молибден учун А100Мо; уран учун А560; ванадий учун МТС9500; рух учун С984; КЕЭ учун МТС1600.

7-жадвал

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини оптимал режимда эритиш натижалари

Кислота	Суюқликда металлларнинг концентрацияси, г/л					Суюқликка ажралиши, %				
	U	V	Mo	Zn	РЗЭ	U	V	Mo	Zn	РЗЭ
H ₂ SO ₄ - 130г/л	Актау									
	22,4	50	5,2	7,0	2,1	60,3	84,3	95,4	69,6	66,2
	Сангрунтау									
	24,2	60	5,4	7,5	2,4	64,9	85,6	88,1	71,1	49,2
	Бойсун									
	26,1	88	6,2	7,9	2,2	62,7	81,8	90,2	70,2	54,7

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини эритиб, эритмасидан сорбция ўтказилди. Сорбция жараёни қуйидаги шароитларда амалга оширилди: қатрон ва эритманинг нисбати - 1:100, сорбция вақти – 240 дақиқа, хона ҳарорати, ҳаво аралашмасини қўллаш; ишқорлаш аммиак билан рН=2,0-4,0 оралиғида ўтказилди. Натижалар 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини эритиб, эритмасидан ионалмашинувчи қатронларга ажратиб олиш натижалари

Қимматбаҳо компонентларнинг ва ионалмашинувчи қатронларнинг номи	Суюқликда металлларнинг сорбциядан кейинги таркиби, мг/л			Ионалмашинувчи қатронларга ажралиши, %		
	Актау	Сангрунтау	Бойсун	Актау	Сангрунтау	Бойсун
U - А560	1,72	1,66	2,4	92,3	93,1	90,8
РЗЭ - МТС1600	0,66	0,8	0,65	68,2	66,5	70,2
Zn - С984	0,8	0,83	0,78	88,5	88,9	90,1
V - МТС9500	10,6	13,9	18,3	78,8	76,9	79,2
Mo - А100Мо	0,56	0,61	0,84	89,2	88,6	86,4

Жадвалдаги натижалар шуни кўрсатадики (8-жадвал), Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини эритиб олинган эритмаларидан қатронлар ёрдамида металлларни ажратиб олиниши қуйидагича, %: молибден 89,2; 88,6 ва 86,4; уран 92,3; 93,1 ва 90,8; ванадий 78,8; 76,9 ва 79,2; рух 88,5; 88,9 ва 90,1, шунингдек КЕЭ 68,2; 66,5 ва 70,2.

Шундай қилиб, тажриба ва ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, мураккаб таркибли ёнувчи сланец кулини қайта ишлашнинг ушбу технологик схемаси асосида қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш имконини беради.

3-расмда тавсия этилаётган мураккаб таркибли ёнувчи сланец кулини қайта ишлашнинг қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишнинг технологик схемаси «МРИ» ДМ да яхлитлаштирилган-лабораторияли синовдан ўтган ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия этилган.

ХУЛОСА

«Ёнувчи сланец маъдани кулидан қимматбаҳо компонентларни комплекс ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тўлиқ кимёвий таҳлиллар натижаларига кўра Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кули миқдорий таркибининг асосий қисмини кремний, алюминий, кальций ва магний оксидлари ташкил этади.

2. Ўтказилган масс-спектроскопик таҳлил (ICP-MS) маълумотларига кўра ўрганилган объектлар ёнувчи сланец кулининг асосий қимматбаҳо компонентлари ванадий, рух, уран, молибден ва камёб ер элементлари эканлиги аниқланди.

3. Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулининг гравитация ва флотация усулларининг яроқлилигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу усуллардан фойдаланилганда контцентратга қимматбаҳо компонентларни ажралиши 10 % дан ошмайди.

4. Аниқландики, Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулини сульфат кислотаси ёрдамида гидрометаллургик тадқиқотлар турли хил усулларда ўрганилди ва қўйидаги режим аниқланди бунда: С:К=1:3; сульфат кислотаси 130 г/л; вақт – 60 дақиқа; майдаланиш синфи -10+0 мм ни ташкил қилади.

5. Бойсун кони ёнувчи сланец маъданининг иккита намунасини уюмда биоэритиш бўйича биотехнологик тадқиқотлар олиб борилди. Олинган натижалар Бойсун кони ёнувчи сланец маъданларини қайта ишлаш учун уюм биоэритиш технологиясининг яроқлилиги ва истиқболлиги имконини беради.

6. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида Актау, Сангрунтау ва Бойсун конлари ёнувчи сланец кулидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, молибден, уран, ванадий, рух ва КЕЭ ажралиши 65% дан юқори.

7. Таҳлил натижаларидан кўринадики, хлоридли натрий қўшилишида қимматбаҳо компонентларни сульфат эритмага ажралиши осонлашади ва қимматбаҳо ускуналарини талаб этмайди.

8. Ишлаб чиқилган технологик схема, ёнувчи сланецни қайта ишлаш иқтисодий самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлаб беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ
«ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»**

АЛМАТОВ ИЛХОМЖОН МИРЗАБЕК УГЛИ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ КОМПЛЕКСНОГО ИЗВЛЕЧЕНИЯ
ЦЕННЫХ КОМПОНЕНТОВ ИЗ ЗОЛЫ РУД ГОРЮЧИХ СЛАНЦЕВ**

04.00.14 – Обогащение полезных ископаемых

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Навои - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.4.PhD/T1931.

Диссертация выполнена в государственном учреждении «Институт минеральных ресурсов». Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ndki.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Сагдиева Муяссар Гайбуллаевна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мухиддинов Баходир Фахриддинович
доктор химических наук, профессор

Курбанов Шамшиддин Камолдинович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет им. Ислама Каримова

Защита диссертации состоится 16 апреля 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.17/30.12.2019.T.06.01 (адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №70). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Здание ректората НГГИ, 1-й этаж. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-00-55.

Автореферат диссертации разослан 3 апреля 2021 года.
(реестр протокола рассылки №31 от 3 апреля 2021 года).






К.С. Санакулов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор



Ш.Ш. Заиров
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



И.Т. Мислибаев
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время спрос на углеводородные источники энергии остаются крупнейшим сектором в мире, при этом нефть играет важную роль в составе углеводородных энергоносителей. В результате усиливается борьба за освоение и управление нефтяными месторождениями между ведущими странами мира. В мировой практике горючие сланцы рассматриваются в большинстве случаев, как энергетическое сырье. На многих предприятиях мира по переработке горючих сланцев сырье просто сжигается и, полученные в процессе газы, используются на месте для производства электроэнергии.

В мире ведутся научные исследования по разработке эффективных технологий по улучшению основных и попутных ценных компонентов за счет комплексного использования сырья, совершенствованию существующих схем переработки и разработке технологии переработки горючих сланцев для получения электроэнергии и химического сырья. В связи с этим необходимо выявлять пригодность традиционных методов обогащения золы месторождений горючих сланцев, проводить гидрометаллургические исследования при переработке золы горючих сланцев, определить пригодность биотехнологического выщелачивания в переработке горючих сланцев и разработать технологию комплексного извлечения ценных компонентов из золы руд горючих сланцев.

В Республике выполнен ряд научно-практических работ, направленных на получение сланцевой нефти, нефтепродуктов, продуктов металлургического сырья и химии, удобрений для сельского хозяйства и строительной индустрии. В Постановлении Президента Республики Узбекистан² определены важные задачи по «повышению промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработке местных источников сырья, ускорению производства готовой продукции и освоению технологий...». В связи с этим важно выполнять задачи по разработке технологии комплексного извлечения ценных компонентов из золы руд горючих сланцев.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-4124 от 17 января 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

² Постановление Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Сборник правовых документов Республики Узбекистан. – Т., 2017. – 103 с.

